

## БАҲОЛАШ ИШИ

**Х.С.АСАДОВ.** Эволюция методических подходов анализа и прогнозирования экономического развития регионов на современном этапе .....95

## ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕС

**М.РУСТАМОВ.** Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили .....105

**Х.С.ХАДЖАЕВ.** Ўзбекистоннинг бизнесни юритиш бўйича жаҳон рейтингини ошириш истикболлари .....116

**I.HABIBULLAEV, M.H.SAIDOVA.** Business in Uzbekistan: prerequisites, obstacles, order of introduction .....124

## СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

**К.Т.УРАЗАЛИЕВ.** Электронная коммерция: эволюция и аспекты налогообложения .....132

УЎТ 330.33

М.РУСТАМОВ

### КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

*Мақолада кичик бизнеснинг иқтисодийда тутган ўрни ва уни кредитлаш тизимини келгусида ривожлантириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.*

*В статье представлены предложения и комментарии относительно роли малых предприятий в экономике и дальнейшего развития ее кредитной системы.*

*The article provides suggestions and comments on the role of small businesses in the economy and the further development of its lending system.*

**Таянч сўзлар:** кичик бизнес, микромолиялаш ташкилотлари, нобанк кредит ташкилотлари, тўловларни депонентлаш, микрокредит ташкилотлари, депозит, лизинг хизматлари, пул утказмалари.

**Ключевые слова:** малые предприятия, микрофинансовые организации, небанковские кредитные учреждения, вкладов, микрокредитные организации, депозиты, лизинговые услуги, денежные переводы.

**Keywords:** small businesses, microfinance organizations, non-banking credit organizations, deposit, micro-credit organizations, deposit, leasing services.

Хар қандай мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг даражаси айти шу мамлакатда тадбиркорлик қай даражада тараққий этганлигидан далолат бериб туради. Сир эмаски, иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиши унинг таркибидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг кўпайиб бориши билан белгиланади, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг кун сайин кўпайиб бориши эса, ўз навбатида, мамлакатда яратилган ишбилармонлик муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг бир воситаси сифатида кредит муҳим ўрин эгаллайди. Аввало тўхталиб ўтиш лозимки, кредит муносабатларини йўлга қўймай бирор-бир жамиятда иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишнинг асло иложи йўқлиги кишилик жамияти тараққиёти амалиётидан ҳам маълум.

Эътиборли томони шундаки, ривожланган мамлакатлар тижорат банклари миллий иқтисодиётини кредит маблағлари билан керагича, ҳатто ортинги билан таъминлай олади ва бундай иқтисодиётнинг кредитларга талаби у қадар юқори эмас. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг кредит билан таъминланганлик даражаси етарлича юқори.

Таҳлилларимиз шунни кўрсатмоқдаки, банк кредитларининг бугунги иқтисодиётимиздаги асосий "истеъмолчи"си кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари дунёда мавжуд корхоналарнинг 90 фоизини ташкил этади[12]. Халқаро Валюта фонди ва McKinsey & Company халқаро консалтнинг компанияси билан биргаликда 2010 йилда олиб борган тадқиқотлари шунни кўрсатадики, дунё бўйича жами расмий ва норасмий микро, кичик ва ўрта корхоналар 420 – 510 миллионгани ташкил этишини, шундан 365 – 445 миллион-тагача бўлган фирмалар ривожланган давлатларда жойлашганлигини қайд этишади[13]. Шу сабабдан кичик ва ўрта корхоналар глобал иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди. Улар ишга жойлаштиришда энг муҳим иштирокчилардир, ривожланаётган мамлакатларда эса ишларнинг катта қисмини айнан шу соҳа субъектлари яратади[14].

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари (КЎБК) ушбу давлатларнинг умумий қий-матини оширишда жуда муҳим рол ўйнайди[15].

Шу ўринда дунёда одамлари сони бўйича иккинчи ўринда турувчи Ҳиндистонда кичик бизнес субъектлари томонидан 8000 дан ортиқ товарлар ишлаб чиқари-лмоқда. Ушбу соҳада банд бўлганлар сони 41 миллиондан ортиқ бўлиб, булар 26 миллиондан ортиқ корхоналарда жам бўлгандир.

2018 йил январь ойидан бошлаб Жаҳон банки КЎБКни қўллаб-қувватлаш бўйича қарийб 4,8 млн. АҚШ долларига тенг кредитларни дунёнинг 47 давлатида 61 та лойиҳа бўйича амалга ошириб келди[16]. Юқоридаги келтирилган маълумотлар шунни кўрсатадики, кичик бизнес субъектлари дунё иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди.

Шунга қарамай, кичик ва ўрта бизнес корхоналари йирик компанияларга қараганда кўпроқ молиявий тўсиқларга дуч келмоқдалар – улар ташқи молиялашти-ришдан камроқ фойдаланадилар ва юқори транзакция харажатлари ва юқори рискли суғурта мукофотларига дуч келишади[17]. Дунё бўйича қарийб 70 фоизга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари халқаро молия институтлари томонидан молиялаштирилмайди, 15 фоизи эса бирор-бир манба ҳисобидан умуман молия-лаштирилмайди.

Ривожланган давлатлар ЯИМнинг 14 фоизи ёки 2 трл. АҚШ доллари кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиялаштирилишига қаратилгандир[18]. Ривож-ланган давлатлар тажрибасида ҳам кичик бизнесни молиялаштириш билан бог-лиқ муаммолар мавжудлиги келгусида бу борадаги ишларни такомиллаштириш-нинг заруратини келтириб чиқаради.

Мақолани ёзиш жараёнида илгор хориж ва ўзбек иқтисодчи олимлар томони-дан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш масаласи илмий асосда тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилганлигини кўришимиз мум-кин.

Бевосита банк амалиётида етук тажрибага эга бўлган, Бангладешнинг "Grameen Bank"ни ташкил қилган, 2006 йилда Нобель мукофотининг соҳиби,



таниқли иқтисодчи олим М.Юнус кичик бизнес субъектларини кредитлаш соҳасида ўзига хос инқилобий ўзгаришларни амалга оширди. Хусусан, унинг ташаббуси ва таклифи билан кичик бизнес субъектларини гуруҳ жавобгарлиги асосида кредитлаш шакли, гаровсиз кредитлаш тури "Grameen Bank" амалиётига жорий этилди.

М.Юнуснинг хулосасига кўра, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлади[2]. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин масаланинг иккинчи бир томони бор, яъни банклар кредит беришлари учун асос бўлган ресурс базаси билан боғлиқдир. Агар банклар ресурсни қимматроқ олиб, арзон кредит берса, бу банк манфаатларига тўғри келмайди. Менинг фикримча ушбу кредитлаш усулини давлатда мавжуд бўлган фондларнинг ишлатилмасдан бўш турган маблағлари ҳисобидан амалга оширилса керакли натижалар беради.

Рус иқтисодчи олимларидан Д.Савинованинг фикрига кўра, кичик тадбиркорликни кредитлашда бозорнинг ҳар бир сегменти учун алоҳида кредит хизмати кўрсатиш зарур[3]. Албатта, бу фикр тўғри, яъни ҳар бир сегмент ўзига яраша имкониятларга эгадир.

АҚШлик иқтисодчи олим Ж.Синкиннинг фикрига кўра, АҚШда кичик бизнесга молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида тижорат банклари етакчилик қилади ва уларнинг молиявий хизматлари таркибида муддатли кредитлар бериш, лизинг кредитлари бериш ва уларни кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш муҳим ўрин эгаллайди[4].

Фикримизча, Ж.Синкиннинг кредит линияси очиш йўли билан кичик бизнес субъектларини кредитлаш хусусидаги фикри республикаимиз банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамиятга эга. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кичик бизнес субъектларини кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш мамлакатимиз банк амалиётида кенг қўлланилмайди; иккинчидан, кредитлашнинг мазкур шакли бир қатор афзалликларга эга эканлиги иқтисодчи олимлар томонидан исботланган[5].

Тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, кичик бизнес субъектларида операцияон чиқимларнинг катта эканлиги ва инфляция даражасининг юқори эканлиги уларни тижорат банклари ва микромолиялаш ташкилотлари томонидан кредитлашни ривожлантиришга тўсқинлик қилади.


Ўзбек иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотларидаги фикрига кўра, Д.Таджибаевани ҳақли равишда эътироф этадики, микромолиялаш ташкилотларининг тижорат банклари билан ҳамкорлиги нафақат тижорат банкларига, балки ушбу ташкилотларнинг ўзлари учун ҳам фойдалидир.

Бу, биринчи навбатда, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш имконини беради. Айрим мамлакатларда қонун йўли билан депозитлар жалб қи-

лиш, қимматли қоғозларни чиқариш ва фонд биржаларида жойлаштириш таъқиқлаб қўйилганлиги, фонд бозорининг старли ривожланмаганлиги каби иқтисодий чекловлар мавжуд бўлган шароитда, микромолиялаш ташкилотларига молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш имконини бермайди[9].

Республикамызда миллий иқтисодийни барқарор ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Бу борадаги энг устувор йўналишлардан бири эса хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттиришдан иборатдир.


Шунинг баробарида мамлакат иқтисодийтини юксалтиришда, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим ўрин тутувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Алқисса, ушбу соҳанинг иқтисодий ўсишга ва мамлакат равнақига қўшаётган ҳиссаси ошиб бориш тенденциясига эга бўлди. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2017 йилда 38,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этилди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122 % га кўпдир). Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27 %), савдо соҳасида (21 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (13 %) ва қурилишда (10 %) ташкил этилган.



1-расм. 2017 йилда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши[11].



2018 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 229666 тани ташкил этди.



2-расм. 2018 йил 1 январь ҳолатига 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик корхона ва микрофирмалар сони (бирликда)[11].

2018 йил 1 январь ҳолатига ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони 12,2 birlikни ташкил этади ёки ўтган йилга nisbatan 107,0 % га teng.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишини янада юқори bosqichga олиб чиқишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим роль ўйнайди. 2017 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 50 foizidan ортинги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ривожланган хорижий давлатларда, жумладан, Германия, Финляндия, Норвегия, Швеция каби давлатларда mavjud ish ўринларининг қарийб 70 foizi кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Кўплаб мамлакатларда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50 foizdan oshgani иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантириш имконини бермоқда.

Шунингдек, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрни тобора ортиб бораётир. Айниса, Хитойда экспорт ҳажмининг қарийб 60 foizi кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келатгани ҳам мазкур соҳа жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутаётганлигидан далолатдир.

Бутун дунёда кичик ва ўрта бизнесни кредитлашда тижорат банклари ва кредит уюшмалари анъанавий тарздаги усуллардан фойдаланиб келади. Жаҳон банки томонидан 45 та давлатнинг 91 та тижорат банклари фаолиятини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш натижасида кичик ва ўрта бизнес сегменти банк учун фойдали миқроз эканлиги маълум бўлди, лекин ривожланаётган давлатларда макроиқтисодий бекарорлик ва КЎБ субъектларини ривожланган давлатларнинг КЎБ билан таққослаганда асосий муаммо сифатида КЎБларни молиялаштириш кўзга ташланади. Иқтисодий ривожланаётган давлатлар банклари катта корхоналарга қараганда КЎБларга кўпроқ дуч келади, лекин КЎБларни инвестициявий кредитлашда кредит порфелида кам улушга эга, шунингдек, КЎБларни кредитлаш баланд фоизлар эвазига таъминланмоқда[19].

Мамлакатимизда эса кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасида барча тўсиқлар олиб ташланмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг "Doing business" кредитлаш бўйича рейтинг кўрсаткичларида 2017 йил якунига кўра 190 та давлат орасидан 55 ўринни эгаллаганлиги[20] ҳам бу борадаги ишларимизнинг қанчалик ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда мамлакат ривожланиши учун муайян йўллар ишлаб чиқилади. Республикаимизда ҳам бу борада жуда катта қадам ташланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш, шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқи ва қафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш вазифаларининг қўйилганлиги[21] ушбу масалани ҳамон долзарб эканлигини кўрсатади.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвестицион фаолликнинг ортиши билан, балки нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан берилаётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда.

Хусусан, сўнгги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини 2 баравардан ортиқ яхшилашиб, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, сўнгги ҳисоботда мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай ишби-



лармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислохотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бораётганлигини исботи сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин.

БМТнинг жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўрганувчи маркази – The World Happiness Report 20 март Бутунжаҳон Бахтиёрлик куни олдида “Бахт индекси”ни эълон қилди. Унда дунёнинг 156 давлати аҳолисининг ҳаётига баҳо берилган. Ҳисоботга кўра, МДҲ мамлакатлари орасида ўзбекистонликлар биринчи ўринда экани маълум бўлди. Юртимиз жаҳондаги энг бахтли 50 мамлакатдан бири сифатида эътироф этилди ва 44-ўринни эгаллади (ўтган йилги ҳисоботда 47-ўринда эдик).

Ҳозирги замон банк тизими ва статистик олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳам мамлакат иқтисодиёти учун ижобий таъсир этувчи кредит ҳажминини аниқлаш ва шу билан биргаликда реал сектор, хусусан, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг иқтисодий ўсишга таъсири қай даражада эканлигини аниқлашдан иборат.

Бу таҳлилни амалга ошириш учун кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларни омил белги, мамлакатимизда яратилган ЯИИ ички маҳсулотни эса натижавий белги деб оламиз.

1-жадвал

Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар ва яратилган ЯИИ миқдорининг ўзгариш динамикаси (млрд.сўм)[22]

Йиллар	Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар (млрд. сўм)	ЯИИ миқдори (млрд. сўм)
2008	1 250,7	38 969,8
2009	1 852,0	49 375,6
2010	2 690,0	61 793,9
2011	4 041,0	77 750,6
2012	5 346,0	96 600,0
2013	7 000,0	119 000,0
2014	9 200,0	145 846,4
2015	12 100,0	171 369,0



2016	15 900,0	199 325,1
2017	19 600,0	249 136,4
Жами	78 979,7	1 209 166,8

Юқоридаги жадвалларда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар билан мамлакатнинг ЯИМ ўсиш динамикаси ўз аксини топган. Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда банк кредитлари ва ялпи ички маҳсулот ҳажмлари муттасил ўсиб борган. Бу иқтисодиётимизнинг ривожланиб бораётганлигини тасдиқлайди. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида биз кредитларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини корреляцион усулда ҳисобладик.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларни иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли деб ҳисоблаб, қуйидаги ҳисоблаш жадвалини туздик.

2-жадвал

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларни иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллини ҳисоблаш

Йиллар	X	Y	XY	x <sup>2</sup>	y <sup>2</sup>
2008	1 250,7	38 969,8	48739529	1564250	1518645312
2009	1 852,0	49 375,6	91443611	3429904	2437949875
2010	2 690,0	61 793,9	166225591	7236100	3818486077
2011	4 041,0	77 750,6	314190175	16329681	6045155800
2012	5 346,0	96 600,0	516423600	28579716	9331560000
2013	7 000,0	119 000,0	833000000	49000000	14161000000
2014	9 200,0	145 846,4	1341786880	84640000	21271172393
2015	12 100,0	171 369,0	2073565021	146410000	29367337588
2016	15 900,0	199 325,1	3169269090	252810000	39730495490
2017	19 600,0	249 136,4	4883073440	384160000	62068945805
Жами	78 979,7	1 209 166,8	13437716937	974159651	189750748341

Жадвал маълумотлари асосида қуйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширдик:

$$\rho = \frac{\frac{1343771693,7}{10} - \frac{78979,7}{10} \times \frac{1209167}{10}}{\sqrt{\frac{974159651}{10} - \left(\frac{78979,7}{10}\right)^2} \times \sqrt{\frac{1897507483,41}{10} - \left(\frac{1209167}{10}\right)^2}} = 0,995$$

Бу таҳлилимиздан шундай хулосага келиш мумкинки, банклар томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар ҳажми билан мамлакат ЯИМнинг ўсиши бир-бири билан жуда кучли боғланишга эга экан. Банк кредитларининг ўсиши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги 0,995 га тенг бўлган боғлиқлик, кредитлар ҳажмининг ҳар бир ўзгариши мамлакат ялпи ички маҳсулотида акс этишни билдиради.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги корреляцион регрессион таҳлилни амалга оширишдан мақсад миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун зарурий кредит миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Зарурий кредит миқдори аниқланиши банкларга кредитлаш салоҳиятини тўғри ва оптимал шакллантириш учун кўрсатма беради. Иқтисодиётнинг керакли миқдорда кредит билан таъминланиши учун банклардан ўз кредитлаш салоҳиятларини ошириш талаб этилади. Иқтисодий ўсишни банк кредитлари орқали таъминлашни таҳлил қилиш учун банк ЯИМнинг ўзаро регрессион тенг-ламасини ишлаб чиқдик.

Юқоридаги ҳисоблаш жадвалидаги маълумотлардан қуйидагиларни ҳисоблаймиз.

$$a_1 = \frac{10 \times 1343771693,7 - 78979,7 \times 1209167}{10 \times 974159651 - 78979,7^2} = 11,09$$

$$b = \frac{974159651 \times 1209167 - 78979,7 \times 1343771693,7}{10 \times 974159651 - 78979,7^2} = 33282$$

Кредитлар ҳажми ва ЯИМнинг ўзаро боғлиқлигини регрессион усулда таҳлил қилиб, улар орасидаги муносабат  $y=11,09x+33282$  регрессия тенгламасига бўйсунishi мумкинлигини аниқладик. Мазкур ишнинг амалий аҳамияти шундаки, мамлакатда миллий ўсишни таъминлашда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг миқдорий ўсиши 2025 йил учун 350 трлн.сўм деб фараз қиладиган бўлсак, ушбу натижага эришиш учун банклардан талаб этиладиган кредитлар миқдори 28,543 трлн.сўмни ташкил этиши аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда банклар томонидан кичик бизнес субъектларини оптимал кредитлаш муҳитини яратиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасини 2008 – 2017 йиллардаги кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмининг ўзгариши динамикаси билан мамлакатда яратилаётган ЯИМ миқдори ўртасида



кучли боғланиш мавжуд бўлиб, бунда биз “кичик бизнеснинг катта ҳиссаси”ни кўришимиз мумкин;

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар яратилаётган ЯИМга тўғри пропорционаликда таъсир этади ва ЯИМ миқдорини ўзгартиришда муҳим восита сифатида ишлатиш мумкин;

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ва ЯИМ ўртасида  $y=11,09x + 33282$  регрессия тенгламасига бўйсунувчи боғланиш мавжуд ва у орқали кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажмини ўзгартириш йўли билан мамлакатда яратилиши мумкин бўлган ЯИМ ҳажмини прогноз қилиш мумкин;

Банк тизими ва иқтисодий ўсиш суръатлари орасида кучли корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан кейинги миллий иқтисодиёт ривожланиш босқичида кўпгина давлатларнинг тажрибаси тасдиқлаб турибди. Иқтисодий ўсиш субъектлар даромадларининг ошишига олиб келса, бу ўз навбатида, молиявий хизматларга бўлган талаб ошишига ҳамда банк тизими ривожланишини рағбатлантиради. Шунингдек, банк тизимида ресурслар капитализацияси жадаллашуви орқали ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига замин яради.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.
2. Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и Кредит. - М., 2009. - № 5. – С. 60-61.
3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 590-591.
4. Лаврушин О.И. Краткосрочное кредитование по укрупненному объекту в пределах кредитной линии. Банковское дело. Учебник. 12-ое изд. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 429-439.
5. www.doingbusiness.org Beck, Thorsten. 2013. “Bank Financing for SMEs—Lessons from the Literature.” National Institute Economic Review 225 (1): R23-R38.
6. www.doingbusiness.org Stein, Peer, Tony Goland and Robert Shiff. 2010. “Two Trillion and Counting: Assessing the Credit Gap for Micro, Small and Medium-size Enterprises in the Developing World.” Working Paper 71315, World Bank, Washington, DC.
7. www.doingbusiness.org Ayyagari, Meghana, Asli Demirgüç-Kunt and Vojislav Maksimovic. 2011a. “Small vs. Young Firms across the World: Contribution to

- Employment, Job Creation, and Growth." World Bank Policy Research Working Paper 5631, World Bank, Washington, DC.
8. [www.doingbusiness.org](http://www.doingbusiness.org) Ayyagari, Meghana, Asli Demirgüç-Kunt and Vojislav Maksimovic. 2011a. "Small vs. Young Firms across the World: Contribution to Employment, Job Creation, and Growth." World Bank Policy Research Working Paper 5631, World Bank, Washington, DC.
  9. <http://projects.worldbank.org>. Data as of January 2018. For more information
  10. [www.doingbusiness.org](http://www.doingbusiness.org) Stein, Peer, Tony Goland and Robert Shiff. 2010. "Two Trillion and Counting: Assessing the Credit Gap for Micro, Small and Medium-size Enterprises in the Developing World." Working Paper 71315, World Bank, Washington, DC.
  11. [www.doingbusiness.org](http://www.doingbusiness.org) Beck, Demirgüç-Kunt and Maksimovic 2008, Banking Services for Everyone? Barriers to Bank Access and Use around the World, The World Bank Economic Review.
  12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
  13. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Давлат статистика қўмитаси.